
“АҚЛИ” БИНОЛАР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, ҚУЛАЙЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ДУНЁНИНГ ПЕШҚАДАМ КОМПАНИЯСИ БЎЛГАН JOHNSON CONTROLS ARABIA КОМПАНИЯСИ ФАРҒОНАДА ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона делегациясининг Қувайт ва Саудия Арабистонига ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришни кўзда тутган амалий ташрифи давомида Жидда шаҳрида Johnson Controls Arabia компанияси асосчиси шайх Салех бин Ладен ҳамда бошқарув кенгаши раиси Муҳаммад ал-Шайх бошчилигидаги компания вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Фарғона вилояти ҳудудида ҳамкорликда инвестицион ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва олиб бораётган оқилona бошқаруви натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида икки томонлама манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани, ўзаро савдо ҳажми муттасил ўсиб бораётгани, Саудия инвестициялари юртимизга жадал кириб бораётгани қайд этилди.

Дунёда энг кўп турда иситиш, вентиляция ва кондициялаш жиҳозлари, шунингдек, биноларни автоматлаштириш тизимлари, хавфсизлик ва кузатув технологиялари, ёнғинга қарши автоматика тизимлари ишлаб чиқарувчи Johnson Controls Arabia (York) компанияси учун Фарғонада ҳам қулай бозор мавжудлиги, вилоятимиз орқали чегарадош давлатлар бозорига ҳам кириб бориш имконияти мавжудлигига эътибор қаратилди.

Фарғона вилоятининг иқтисодий-инвестицион салоҳияти, вилоятга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳолати, экспорт кўрсаткичлари, вилоятимизда мавжуд саноат зоналари, солиқ имтиёзлари, логистика афзалликлари ҳақида Johnson Controls Arabia раҳбарига маълумот берилди.

Ўзбекистонга бўлаётган ислохотларни шахсан кўриш учун юртимизда бўлиб қайтанини маълум қилган Муҳаммад ал-Шайх, мамлакатимизга ташрифидан сўнг янада янги ғоялар бўйича ҳамкорлик қилиш истаги туғилганини таъкидлади.

Кўплаб давлатларда ишлаб чиқариш корхоналари борлигини, келгусидаги корхона Фарғонада барпо этилишини билдирган Johnson Controls Arabia раҳбари, Фарғонада бошқа йирик лойиҳалар бўйича ҳам ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Учрашув якунида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Johnson Controls Arabia компанияси бошқарув кенгаши раиси Муҳаммад ал-Шайх ҳамда Қувайтнинг “Energy Solutions” компанияси бошқарув кенгаши раиси Эяд ал-Салех ўртасида Фарғона вилоятида иситиш, вентиляция ва кондициялаш жиҳозлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорликни кўзда тутган англашув Меморандуми имзоланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)